

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ТОМОНИДАН ҚАСДДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Вахобжонов Дилмурод Дилшоджон ўғли

*ИИБ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти” кафедраси ўқитувчиси.*

Бозоров Шерзод Илҳом ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг олдини олишда профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилади. Тадқиқотда «Инсон қадрини учун» тамойили асосида шахс соғлиғига қарши тажовузларни барвақт аниқлашнинг ҳуқуқий асослари, хусусан, Олий суд Пленуми қарорлари ва Жиноят кодексига киритилган сўнгги ўзгартиришлар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан ушбу тоифадаги жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементлари тизимлаштирилган ҳамда терговга қадар текширув жараёнида замонавий технологияларни қўллашнинг профилактик аҳамияти асослаб берилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, қасддан баданга шикаст етказиш, махсус профилактика, криминалистик тавсиф, терговга қадар текширув, инсон қадрини, оилавий зўравонлик, виктимологик ҳимоя.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫХ АСПЕКТОВ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ УМЫШЛЕННЫХ ПРИЧИНЕНИЙ ВРЕДА ЗДОРОВЬЮ ИНСПЕКТОРАМИ ПРОФИЛАКТИКИ

Аннотация: В данной статье исследуются вопросы повышения эффективности деятельности инспекторов профилактики в предупреждении преступлений, связанных с умышленным причинением вреда здоровью. В исследовании на основе принципа «Во имя чести и достоинства человека» проанализированы правовые основы раннего выявления посягательств на здоровье личности, в частности, постановления Пленума Верховного суда и последние изменения, внесенные в Уголовный кодекс. Автором систематизированы элементы криминалистической характеристики данной категории преступлений и обосновано профилактическое значение применения современных технологий в процессе доследственной проверки.

Ключевые слова: инспектор профилактики, умышленное причинение вреда здоровью, специальная профилактика, криминалистическая характеристика,

доследственная проверка, достоинство человека, семейное насилие, виктимологическая защита.

IMPROVING ORGANIZATIONAL, LEGAL ASPECTS OF PREVENTING INTENTIONAL INFLICTION OF BODILY HARM BY PREVENTION INSPECTORS

Abstract: *This article examines the issues of improving the efficiency of prevention inspectors' activities in preventing crimes related to the intentional infliction of bodily harm. Based on the "For Human Dignity" principle, the study analyzes the legal framework for early detection of assaults on personal health, specifically the resolutions of the Supreme Court Plenum and recent amendments to the Criminal Code. The author systematizes the elements of the criminalistic characteristics of this category of crimes and substantiates the preventive significance of using modern technologies during the pre-investigation check process.*

Keywords: *prevention inspector, intentional bodily harm, special prevention, criminalistic characteristics, pre-investigation check, human dignity, domestic violence, victimological protection*

Бугунги кунда дунё миқёсида шахсинг соғлиғи ва дахлсизлигига қарши жиноятларнинг юқори латентлик (яширинлик) даражаси уларга қарши курашишнинг янги ва самарали механизмларини ишлаб чиқишни глобал заруратга айлантирмоқда. Статистик маълумотларга кўра, жаҳонда ҳар йили ўртача 1 миллиард 150 мингдан ортиқ жиноят расмий рўйхатга олинса-да, яна 700 миллионга яқин жиноий қилмишларнинг ҳисобдан ташқарида қолаётганлиги, айниқса, баданга шикаст етказиш каби латентликка мойил жиноятлар бўйича алоҳида, махсус стратегияларни яратиш зарурлигини тасдиқлайди. Суд-тергов амалиётида бундай жиноятларнинг салкам ярми фош этилмай қолаётганлиги масаланинг нафақат ҳуқуқий, балки профилактик жиҳатларини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда.

Мазкур глобал муаммолар фонида, Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ва дахлсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг концептуал асоси этиб белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони мавжуд хавф-хатарларга миллий жавоб сифатида адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг бош мезони этиб белгилади.

Стратегиянинг марказида турган “Инсон қадри учун” тамойили фуқароларни турли жиноий тажовузлардан, энг аввало, инсоннинг жисмоний мавжудлигига таҳдид солувчи қасддан баданга шикаст етказиш каби

қилмишлардан ҳимоя қилишни назарда тутати⁷. Шу нуқтаи назардан, соғлиққа қарши жиноятларнинг олдини олиш шунчаки жиноятчиликка қарши кураш эмас, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг амалий ифодасидир. Бунда асосий профилактик бўғин ҳисобланган профилактика инспектори зиммасига нафақат маъмурий назорат, балки глобал латентликка қарши «маҳаллабай» тизими орқали инсон қадрини ҳимоя қилишдек стратегик вазифа юкланади.

Ислоҳотларнинг бош мезони бўлган “Инсон қадри учун” тамойили фуқароларни турли жиноий тажовузлардан, хусусан, шахснинг жисмоний дахлсизлигига путур етказувчи қасддан баданга шикаст етказиш каби қилмишлардан ҳимоя қилишни тақозо этади. Инсон қадри юксалтирилган жамиятда фуқароларнинг фаровон ҳаётига таҳдид солувчи зўравонлик жиноятларига қарши мурасасиз муҳитни шакллантириш профилактика инспекторлари фаолиятининг стратегик вазифасидир.

Шу нуқтаи назардан, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг олдини олиш нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки Стратегияда белгиланган инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг амалий ифодасидир. Зеро, шахснинг эркин ва хавфсиз ҳаётига жиноий тажовузлар орқали путур етказиш ҳолатларига барҳам бериш, профилактика инспекторидан нафақат маъмурий назоратни, балки «Инсон қадри» тамойили асосида ҳар бир оила ва маҳаллада адолатни таъминлашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилиги тизимида инсон соғлиғига қарши қаратилган тажовузлар уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва келиб чиқадиган оқибатларининг оғирлигига кўра учта асосий тоифага классификация қилинади. Булар: қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ўртача оғир ва енгил шикаст етказиш жиноятларидир. Мазкур туркумлаш нафақат жиноий жавобгарлик доирасини белгилашда, балки профилактика инспектори томонидан содир этилган қилмишнинг ҳуқуқий табиатини тезкор ташхислашда фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Соғлиққа қарши қаратилган жиноятлар, хусусан қасддан баданга шикаст етказиш қилмишларининг олдини олишда ҳуқуқий нормаларнинг назарий талқини ва уларни амалиётда тўғри татбиқ этиш профилактика инспектори фаолиятининг методик асосини ташкил этади. Криминалистик ва криминологик нуқтаи назардан баданга шикаст етказиш деганда, инсон органлари ёки организми тўқималари анатомик тўқислигининг ёхуд улар физиологик функциясининг ташқи таъсир оқибатида бузилиши тушунилади. Ушбу жисмоний тажовузларнинг оғирлик даражасини ҳуқуқий жиҳатдан классификация қилиш нафақат жазо тайинлаш, балки профилактика инспектори

⁷ Атажанов Ў. М. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 10-17.

томонидан хизмат ҳудудидаги «хавф гуруҳлари» билан ишлаш тактикасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади⁸.

Жиноят қонунчилигининг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатлари билан характерланади. Бунда асосий ҳуқуқий мезон сифатида қилмиш содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлганлиги ёки инсоннинг кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиши, аъзонинг ишдан чиқиши каби тузатиб бўлмайдиган оқибатлар назарда тутилади. Умумий меҳнат қобилиятининг камида ўттиз уч фоизини доимий йўқотилишига олиб келувчи бундай тажовузлар профилактика инспекторидан хизмат ҳудудида совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни муомаладан чиқариш ва зўравонликка мойил шахслар устидан қатъий маъмурий назорат ўрнатишни тақозо этади⁹.

Баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш (105-модда) эса ҳаёт учун хавfli бўлмаган, бироқ соғлиқнинг узоқ вақт (йигирма бир кундан тўрт ойгача) ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан ўттиз уч фоизигача йўқолишига сабаб бўладиган қилмишлардир. Ушбу тоифадаги жиноятлар кўпинча сурункали низола ва оила-турмуш доирасидаги келишмовчиликлар натижасида келиб чиқишини инобатга олсак, уларнинг махсус профилактикаси низоли вазиятларни барвақт аниқлаш ва виктимологик чораларни кучайтириш билан узвий боғлиқдир.

Сўнгги йиллардаги қонунчилик ислохотлари соғлиққа қарши жиноятлар назариясига муҳим янгиликлар киритди. Хусусан, баданга шикаст етказиш билан боғлиқ нормаларнинг диспозициясига оилавий (маиший) зўравонлик аломатлари мавжуд бўлмаган ҳоллардагина ушбу моддаларни қўллаш ҳақидаги шартнинг киритилиши, профилактика инспекторининг суриштирувчи сифатидаги ваколатларини кенгайтирди. Эндиликда инспектор тажовузкор ва жабрланувчи ўртасидаги ижтимоий боғлиқликни таҳлил қилиши, агар қилмиш оила аъзосига нисбатан содир этилган бўлса, уни ЖКнинг 126-1-моддаси билан квалификация қилиш масаласини кўриб чиқиши шарт. Бу эса ўз навбатида виктимологик профилактиканинг манзиллилигини таъминлайди.

Баданга енгил шикаст етказиш (109-модда) жиноятларининг криминалогик хусусияти шундаки, улар соғлиқнинг олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлади. Ушбу моддадан маъмурий преюдициянинг чиқарилиши ва маълум ҳолатларда (қурол ишлатиш, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиш) жиноий жавобгарликнинг кучайтирилиши, профилактика инспекторига майда ҳуқуқбузарликларнинг оғир

⁸ Адхамов, З. А. (2025). ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(5-2), 31-35.

⁹ Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." *Научный Фокус* 3.30 (2025): 152-162.

жиноятларга айланиб кетишининг олдини олишда кучли ҳуқуқий дастак бўлиб хизмат қилади.

Соғлиққа қарши жиноятларнинг илмий-назарий таҳлили шуни кўрсатадики, профилактика инспектори фаолиятининг самарадорлиги фақатгина содир этилган жиноятни ҳужжатлаштириш билан эмас, балки жиноят қонуни нормаларидаги детерминантларни тўғри ташхислаш билан белгиланади. Олий суд пленуми қарорларида белгиланган суд-тиббиёт экспертизасини ўз вақтида тайинлаш ва айбнинг йўналишини (қасднинг турини) аниқлаш бўйича кўрсатмалар, инспекторнинг «маҳаллабай» ишлаш тизимида қонун устуворлиги ва инсон қадрини ҳимоя қилишининг бош мезонидир.

Жиноят кодексининг 104-моддасида баданга оғир шикаст етказишнинг қонуний мезонлари аниқ белгилаб берилган. Унга кўра, содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган ёки инсоннинг кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотишига, бирор аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига олиб келган қилмишлар оғир шикаст сифатида баҳоланади. Шунингдек, руҳий касалликка чалиниш, умумий меҳнат қобилиятининг камида 33% қисмининг доимий йўқолиши, ҳомиланинг тушиши ёки баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашиши каби оқибатлар мазкур жиноят таркибининг объектив томонини шакллантиради.

Ушбу соҳадаги назарий қарашларни бойитиш мақсадида, баданга шикаст етказиш тушунчасига кенгроқ ва мазмунлироқ таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, баданга шикаст етказиш деганда, инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказилиши натижасида шахс соғлиғининг ёмонлашуви ёки аъзолар анатомик жиҳатдан сақланиб қолган тақдирда ҳам уларнинг ўз физиологик фаолиятини йўқотиши тушунилиши лозим. Бунда баданнинг анатомик бутунлиги бузилиши, меҳнат қобилиятининг маълум даражада пасайиши ёки ҳомиланинг тушиши каби ҳолатлар инсон организмнинг моддий ва функционал яхлитлигига тажовуз сифатида намоён бўлади.

Бундай назарий ёндашув профилактика инспектори фаолияти учун муҳим методик аҳамиятга эга. Сабаби, инспектор воқеа жойида дастлабки чораларни кўраётганда нафақат кўзга кўринадиган жароҳатларга, балки инсон аъзоларининг функционал ҳолати ва анатомик бутунлигига етказилган яширин зарарларни ҳам инобатга олиши лозим. Баданга шикаст етказиш тушунчасини шундай кенг маънода талқин қилиш, жиноят аломатларини барвақт аниқлаш ва экспертиза тайинлаш жараёнида терговга қадар текширув ҳаракатларининг сифатини оширишга хизмат қилади. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган «Инсон қадри учун» тамойили ҳар бир шахснинг жисмоний дахлсизлигини мукаммал ҳуқуқий ҳимоя қилишни тақозо этади.

Аҳоли соғлиғига бевосита салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири фуқароларнинг жисмоний дахлсизлигига жиноий тажовуз қилишдир. Шу боис,

давлат томонидан инсон соғлиғини ҳимоя қилишни кафолатлаш нафақат ҳуқуқий нормаларда, балки профилактика инспекторларининг кундалик фаолиятида ҳам ўз ифодасини топиши долзарбдир¹⁰. Соғлиққа қарши жиноий тажовузларни ўрганишда жабрланувчининг индивидуал хусусиятларини ва жиноят объектини аниқлаш муҳимдир. Ушбу маълумотлар қилмишни тўғри квалификация қилиш, уни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш ва айбдорга нисбатан адолатли жазо тайинлашнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг назарий ёндашувимизга кўра, баданга шикаст етказиш тушунчаси инсон танасининг бирор-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни ифодалайди. Бунда етказилган жароҳат оқибатида шахс соғлиғининг ёмонлашуви, аъзоларнинг функционал фаолияти бузилиши ёки анатомик бутунлигига путур етиши, шунингдек, меҳнат қобилятининг йўқолиши ёки ҳомиланинг тушиши каби ҳолатлар жиноятнинг объектив томонини акс эттиради.

Амалиётда, хусусан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш ҳолатлари бўйича терговга қадар текширувни амалга ошириш профилактика инспекторининг энг муҳим ваколатларидан бири ҳисобланади. Бу жараёни махсус ваколатли давлат органларининг (профилактика инспектори, суриштирувчи) қуйидаги тизимли ҳаракатлари йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин:

1. Ахборот тўплаш: Баданга шикаст етказилганлиги белгиларига эга бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиш ва бирламчи ҳужжатлаштириш.

2. Ташхислаш ва экспертиза: Етказилган шикастнинг ўзига хос хусусиятлари ва оғирлик даражасини аниқлаш (суд-тиббий экспертизаси орқали).

3. Сабабий боғланишни асослаш: Содир этилган қилмиш билан келиб чиққан оқибат (соғлиқнинг бузилиши) ўртасидаги узвий боғлиқликни аниқлаш.

4. Жиноят таркибини аниқлаш ва фош этиш: Айбдор шахсларни аниқлаш ва уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борлигини ҳуқуқий асослаш.

5. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича зарур процессуал чораларни кўриш.

Терговга қадар текширув босқичида профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган ушбу фаолият жиноят ишини тўғри қўзғатиш ва «Инсон қадри учун» тамойили асосида жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклашнинг кафолати ҳисобланади. Бу жараёнда криминалистик тавсиф ва ҳуқуқий квалификациянинг уйғунлиги соғлиққа қарши жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини таъминловчи бош омилдир¹¹.

¹⁰ Атажанов Ў. М. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ, КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛЬ ВА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ СТРАТЕГИЯЛАРИ //Научный Импульс. – 2025. – Т. 3. – №. 33. – С. 146-156.

¹¹ Атажанов, Ў. М. (2025). ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 18-24.

Қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятларининг олдини олиш ва уларни сифатли тергов қилиш учун ушбу тоифадаги қилмишларнинг криминалистик тавсифини чуқур ўрганиш талаб этилади. Криминалистик тавсиф деганда, мазкур жиноятларни содир этишнинг мотиви, усуллари, вақти ва жойи тўғрисидаги аҳамиятли маълумотлар ҳамда жиноий ҳаракатни содир этган ва ундан жабрланган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи умумий белгилар тизими тушунилади.

Бизнинг фикримизча, соҳа олимларининг ёндашувларини тизимлаштирган ҳолда, қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятларининг криминалистик тавсифи қуйидаги тўртта фундаментал элементдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

1. Жиноятнинг мотив ва мақсади. Мазкур элемент жиноятчининг ички руҳий ҳолатини ва тажовузнинг асл сабабини очиб беради. Енгил шикаст етказиш жиноятларида мотив кўпинча тўсатдан келиб чиққан оиладаги ёки маиший муҳитдаги келишмовчиликлар, рашк, ўч олиш ёки безорилик ниятлари билан боғлиқ бўлади. Мақсадни тўғри аниқлаш қилмишни ЖКнинг 109-моддаси ёки бошқа турдош моддалар (масалан, безорилик) билан фарқлаш имконини беради.

2. Жиноят содир этилган вазият. Бунга жиноятнинг вақти, жойи ва асосий содир этиш усуллари киради. Енгил шикаст етказиш жиноятлари кўпинча кечки пайтда, аҳоли яшаш жойларида ёки жамоат жойларида содир этилади. Жиноятни содир этиш усуллари (қўл ёки оёқ билан уриш, совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёларни қўллаш) профилактика инспекторига воқеа жойида изларни қидириш тактикасини белгилашда ёрдам беради.

3. Жиноят содир этган шахснинг хусусиятлари. Криминалистик тавсифда жиноятчининг ёши, жинси, илгари судланганлиги, унинг психологик портрети ва ижтимоий ҳолати (иш билан таъминланганлиги, спиртли ичимликларга мойиллиги) ўрганилади. Бу маълумотлар профилактика инспекторига хизмат ҳудудидаги «хавф гуруҳи»га кирувчи шахслар билан манзилли ишлаш имконини беради.

4. Жабрланувчининг шахсий хусусиятлари. Виктимологик жиҳатдан жабрланувчининг хулқ-атвори, унинг айбдор билан муносабатлари (қариндош, қўшни, таниш) ва жиноят келиб чиқишидаги роли (провокация қилганлиги ёки ожиз аҳволдалиги) таҳлил қилинади. Бу элемент жабрланувчининг ҳимоясини ташкил этиш ва келгусида унинг такроран қурбон бўлишининг олдини олиш учун муҳимдир.

Қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятларининг ушбу тўрт элементли криминалистик тавсифи профилактика инспектори учун нафақат суриштирув жараёнида, балки жиноятларни барвақт аниқлаш ва «маҳаллабай»

ишлаш тизимида ҳуқуқбузарликларнинг детерминантларини бартараф этишда услубий асос бўлиб хизмат қилади¹².

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ушбу турдаги жиноятлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида қуйидаги йўналишларга устувор аҳамият қаратилмоқда:

Замонавий технологияларни татбиқ этиш: Далилларни аниқлаш ва тўплашда рақамли криминалистика, биометрик идентификация ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш.

Исботлашнинг янги тактик усуллари: Кўрсатмаларни текшириш ва ашёвий далилларни мустақамлашда психологик ва техник воситаларнинг уйғунлиги.

Қасддан баданга шикаст етказиш бўйича мурожаатлар терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида тактикаси жиноий фаолиятнинг содир этилиш механизми ва уни аниқлаш хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Профилактика инспектори ёки суриштирувчи томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай алоҳида тергов ҳаракати тергов гуруҳининг умумий режаси ва жиноятнинг барча тафсилотларини аниқлаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Жиноятни фош этишнинг самарадорлиги айнан тергов тактикасининг жиноят механизмига мувофиқлиги ва режалаштиришнинг аниқлиги билан белгиланади¹³.

Шу сабабли, Янги Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши курашиш тизимини ислоҳ қилишда халқаро тажрибада қўлланилаётган исботлашнинг инновацион усуллари профилактика инспекторлари фаолиятига мослаштириш, «Инсон қадри» тамойили доирасида жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали йўли ҳисобланади.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг махсус профилактикаси нафақат жиноят содир этилгунига қадар бўлган даврни, балки жиноят аниқланган пайдан бошлаб амалга ошириладиган суриштирув ва тактик ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бунда асосий мақсад — жазонинг муқаррарлигини таъминлаш орқали нафақат айбдорни қайта жиноят содир этишдан тўхтатиш (хусусий профилактика), балки жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасида тажовузкорликнинг олдини олишдир (умумий профилактика).

Профилактика инспектори фаолиятидаги махсус профилактиканинг устувор йўналишларини қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

1. Янги эпизодларни аниқлаш орқали сурункали зўравонликни тўхтатиш

Профилактика инспектори гумон қилинувчининг жиноий фаолиятидаги янги ва яширин эпизодларни аниқлаш орқали «занжирли жиноятлар»нинг олдини олади. Баданга енгил шикаст етказиш кўпинча сурункали оилавий низоларнинг мевасидир. Агар инспектор фақат охирги эпизод билан чекланмай, илгари содир этилган, лекин рўйхатга олинмаган тажовузларни ҳам фош этса, бу

¹² Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Хуршид Жамшидович Найимов. "ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Импульс 4.39 (2025): 703-709.

¹³ Атажанов, Уткир Маматсалаевич. "ДЕТЕРМИНАНТЫ КРИМИНОГЕННОСТИ СЕМЬИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ В СИСТЕМЕ УКРЕПЛЕНИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ, ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ОБЕСПЕЧЕНИЮ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН." Научный Импульс 3.33 (2025): 157-165.

тажовузкорнинг «жазосизлик» ҳиссига барҳам беради ва оғирроқ жиноятлар (масалан, одам ўлдириш ёки оғир шикаст етказиш) содир этилишининг олдини олади.

2. Виктимологик профилактика ва жабрланувчининг хавфсизлиги

Тергов ҳаракатлари давомида жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш — профилактиканинг энг муҳим босқичидир. Жабрланувчининг хавфсизлиги кафолатланса, у жиноятчи ҳақида тўлиқ ва холис маълумот беради. Профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордерининг берилиши ва унинг ижроси назорат қилиниши, жабрланувчини такрорий зўравонлик қурбони бўлишдан ҳимоя қилувчи махсус виктимологик чора ҳисобланади.

3. Технологик воситаларнинг психологик-профилактик таъсири

Суриштирув жараёнида видео ва аудиоёзув воситаларини қўллаш икки томонлама профилактик аҳамиятга эга:

Биринчидан, бу айбдорнинг ўз қилмишини инкор этиш имкониятини йўққа чиқаради ва жазонинг муқаррарлигини тезлаштиради¹⁴.

Иккинчидан, воқеа жойида ёки суҳбат жараёнида камера ва овоз ёзиш мосламаларининг ишлатилиши тажовузкор шахсга психологик таъсир кўрсатиб, унинг кейинги агрессив ҳаракатларини жиловлайди.

Фоноскопик экспертизалар ва телефон сўзлашувларини таҳлил қилиш орқали таҳдидларни аниқлаш, профилактика инспекторига зўравонлик реал жисмоний тўқнашув босқичига ўтмасдан аввал уни тўхтатиш имконини беради.

4. Халқаро ҳамкорлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги

Соғлиққа қарши жиноятларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик жиноятчи учун «яшириниш жойи йўқлиги» ҳақидаги сигнални беради. Бу эса зўравонлик содир этишга мойил шахслар учун кучли тўхтатувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказиш ҳаракатлари ва профилактикасини такомиллаштириш бу шунчаки жазолаш механизми эмас, балки шахс, оила ва маҳалла хавфсизлигини таъминловчи мажмуавий профилактика тизимининг ажралмас қисмидир.

Шахс соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар профилактикасининг самарадорлиги, аввало, қилмишни тўғри квалификация қилиш ва унинг ҳуқуқий чегараларини аниқ белгилашга боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги 6-сонли «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори (2023 йил 20 ноябрдаги ўзгартиришлар билан) профилактика инспекторлари учун муҳим услубий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Қарорнинг янги таҳриридаги 1.1-банднинг киритилиши профилактика инспекторлари зиммасига янги вазифаларни юклайди. Эндиликда инспектор

¹⁴ Атажанов, Ў. М. (2025). ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 10-17.

баданга шикаст етказиш жиноятларини оддий тажовузлардан эмас, балки оилавий (маиший) зўравонликдан фарқлаши лозим. Бунда профилактиканинг махсус объекти сифатида нафақат жисмоний, балки руҳий, иқтисодий ва жинсий зўравонлик ҳолатлари ҳам кўрсатиб ўтилган¹⁵.

Мазкур ҳужжат асосида профилактика инспекторининг фаолиятида қуйидаги илмий-амалий жиҳатларга эътибор қаратиш таклиф этилади:

Тиббий экспертиза ва барвақт аниқлаш: Қарорнинг 1-бандига кўра, ҳар бир ҳолатда суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши шартлиги белгиланган. Профилактика инспектори «маҳаллабай» ишлаш тизимида жароҳат изларини аниқлаганда экспертизани ўз вақтида тайинлаши — жиноятнинг латентлигини камайтиришнинг асосий омилidir¹⁶.

Руҳий ва иқтисодий зўравонлик превентив индикатор сифатида: Пленум томонидан берилган «иқтисодий зўравонлик» ва «руҳий зўравонлик» таърифлари профилактика инспекторига оғирроқ жиноят (баданга шикаст етказиш) содир этилишидан олдин низони аниқлаш имконини беради. ЖКнинг 126-1-моддаси билан квалификация қилинадиган бундай ҳолатларни барвақт жиловлаш профилактиканинг юқори босқичидир.

Айб шакли ва қасднинг йўналиши: Қарорнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатилганидек, қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айбдорнинг мақсади ва мотивини аниқлаш зарур. Профилактика инспектори воқеа жойида дастлабки суриштирувни ўтказаятганда айбдорнинг тўғри ёки эгри қасдини аниқлаши, кейинчалик судда адолатли жазо тайинланиши ва такрорий жиноятларнинг олдини олиш учун муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторлари томонидан қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларининг олдини олиш жараёни бу жиноят қонунчилиги нормаларини тўғри квалификация қилиш, криминалистик тавсиф элементларини чуқур таҳлил қилиш ва замонавий техник воситалардан унумли фойдаланишни талаб этувчи мажмуавий фаолиятдир. Олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатадики, «Инсон қадри учун» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда нафақат содир этилган жисмоний тажовузларни ҳужжатлаштириш, балки оила-турмуш доирасидаги низоларни (иқтисодий ва руҳий зўравонлик белгилари асосида) барвақт ташхислаш ҳамда жабрланувчининг виктимологик ҳимоясини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга¹⁷.

Профилактика инспекторининг фаолиятида рақамли технологиялар, хусусан, аудио-видео қайд этиш ва электрон суриштирув тизимларини кенг жорий этиш эса жазонинг муқаррарлигини кафолатлаш билан бирга,

¹⁵ Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 191-197.

¹⁶ Тиллаходжаев, Баҳодир, and Суҳроб Нормўминов. "ЖАЗОДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИНИБ ПРОБАЦИЯ ҲИСОБИГА ОЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ." Журнал академических исследований нового Узбекистана 2.6 (2025): 74-78.

¹⁷ Тиллаходжаев, Баҳодир, and Достон Эшпўлатов. "ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ "МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ" БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ." Модели и методы в современной науке 4.7 (2025): 64-70.

жиноятчиликнинг латентлик даражасини камайтириш ва жамиятда ҳуқуқий хавфсизлик муҳитини мустаҳкамлашнинг стратегик омили бўлиб хизмат қилади. Зеро, баданга шикаст етказиш жиноятларининг махсус профилактикасини такомиллаштириш шунчаки жазолаш механизми эмас, балки Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган шахс дахлсизлиги ва хавфсизлигини амалда таъминлашнинг бош гаровидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.
2. Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ. Научный Фокус, 3(30), 119-126.
3. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 127-133.
4. АТАЖАНОВ, Ўткир Маматсалаевич, ЖАСУР, Ҳамидалиев Асадбек, et al. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ. Научный Фокус, 2025, vol. 3, no 30, p. 163-171.
5. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.
6. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 191-197.
7. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.
8. Адхамов, З. А. (2025). ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(5-2), 31-35.
9. Kushbakov, D. (2021). Theoretical And Practical Issues Of Criminal Liability Of Persons With Mental Disorders In A Way That Does Not Exclude Sanity. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 3(10), 11-15.

10. Мустофакулов, Бобур, and Жасур Абдухалилов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МЕЎНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." Журнал академических исследований нового Узбекистана 2.1, 2-qism (2025): 48-53.

11. Қадамович Б. Ҳ., Ўғли Қ. Ж. Б. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАСПОРТ-ВИЗА ҚОИДАЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 34-41.

12. Тиллаходжаев, Б., & Хасанбоев, С. (2025). МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ. Современные подходы и новые исследования в современной науке, 4(8), 88-94.